

“ТАСДИҚЛАНГАН”  
“Ўзбекистон металлургия комбинати”  
акциядорлик жамияти



Кузатув кенгаши аъзоси

Б.Х. Каримов

16 март 2023 йил  
М.Ў.

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”  
Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт ва молчи вазирлиги



Рахимова

“05” 2023 йил

## “ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

### ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАРИНИ ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

Идентификация рақами берилди:	Р	У	1	1	5	Р	0	1	4	8	Т	7
-------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Номинал қиймати 5000 сўм бўлган 177 626 648 дона эгасини номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар.

Идентификация рақами берилди:	Р	У	2	1	5	Р	0	1	4	8	Т	5
-------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Номинал қиймати 5000 сўм бўлган 141 577 773 дона эгасини номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги имтиёзли акциялар.

Қўшимча чиқариладиган акциялар ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ўн бешинчи чиқарилишдир.

Жамият Кузатув кенгашини 2023 йил 16 мартдаги мажлиси қарорига асосан акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор тасдиқланган (5-сонли баённома).

Жамият Кузатув кенгашини 2023 йил 16 мартдаги мажлисида қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган (5-сонли баённома).

Эмитент жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари, электрон почта манзили: 110502, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси, 1-уй. тел.: +998 70 214-14-23, [info@uzbeksteel.uz](mailto:info@uzbeksteel.uz).



Р.Х. Пирматов

Ғ.А. Ибрагимов

16 март 2023 йил

**1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):** оддий ва имтиёзли.

**2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли:** хужжатсиз.

**3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм):** 5000 (беш минг) сўм.

**4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона):** 319 204 421 (уч юз ўн тўққиз миллион икки юз тўрт минг тўрт юз йигирма бир) дона, шундан 177 626 648 (бир юз етмиш етти миллион олти юз йигирма олти минг олти юз қирқ саккиз) дона оддий акциялар ва 141 577 773 (бир юз қирқ бир миллион беш юз етмиш етти минг етти юз етмиш уч) дона имтиёзли акциялар.

**5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм):** 1 596 022 105 000 (бир триллион беш юз тўқсон олти миллиард йигирма икки миллион бир юз беш минг) сўм.

**6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:** Жамият акцияларига эгалик қилиш акциядорларга Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 26-28 ва бошқа моддаларида назарада тутилган ҳуқуқларни беради.

Жамият оддий акциялари эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлик ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш, бундан қонунчиликка асосан жамият сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.

Жамият имтиёзли акциялари эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойда кўриш-кўрмасидан қатъий назар жамият уставида белгиланган миқдордаги дивидендларни биринчи навбатда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- жамият тугатилган тақдирда акцияларнинг тугатиш қийматини биринчи навбатда олиш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш;



- акциядорлар умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатиш қийматини тўлаш бўйича имтиёзлар бериш ҳолатлари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиш;

- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш, бундан қонунчиликка асосан жамият сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;

- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;

- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.

Акциядорлар қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олиншига нисбатан жамият уставигаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:** Жамият уставигаги ушбу чиқарилишдаги акцияларни олишга чеклов мавжуд эмас.

Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорда қуйидаги чеклашлар белгиланган:

1. Ушбу акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кун ҳолатига шакллантирилган жамият акциядорлари реестрига кирган оддий акциялар эгалари мазкур чиқарилишдаги оддий акциялардан ўзларига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин жойлаштирилмаган оддий акциялар битим рўйхатга олинган кунда 140 000 000 евродан ошмаган сумма эквивалентида, имтиёзли акцияларни сотиб олишга йўналтирилган маблағ ўртасидаги фарқдан кўп бўлмаган миқдорида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига жойлаштирилади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда - Жамғарма) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорига асосан Жамғарма инвестиция сифатида белгиланган миқдор ва ушбу эмиссиянинг имтиёзли акцияларини сотиб олиш учун йўналтирилган маблағ ўртасидаги фарқдан кўп бўлмаган миқдорида оддий акцияларни сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Оддий акциялар эгалари ва Жамғармага жойлаштирилмаган барча оддий акциялар юқори обрўга эга бўлган маҳаллий институционал инвестор - "ABU DHABI UZBEK INVESTMENT" Масъулияти чекланган жамияти кўшма корхонасига икки томонлама шартнома тузиш йўли билан "TAT-REESTR" Масъулияти чекланган жамияти инвестиция воситачисида жойлаштирилади.

**8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм):** 2 332 744 555 000 (икки триллион уч юз ўттиз икки миллиард етти юз қирқ тўрт миллион беш юз эллик беш минг) сўм.

**9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):** Жами 466 548 911 (тўрт юз олтмиш олти миллион беш юз қирқ саккиз минг тўққиз юз ўн бир) дона акциялар, жумладан: 456 578 291 (тўрт юз эллик олти миллион беш юз етмиш саккиз минг икки юз тўқсон бир) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар ва 9 970 620 (тўққиз миллион тўққиз юз етмиш минг олти юз йигирма) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги имтиёзли акциялар.

**10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):** 10 000 (ўн минг) дона, номинал қиймати 5 000 000 (беш миллион) сўм бўлган, умумий қиймати 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм ҳужжатсиз шаклдаги фоизли эгасининг номи ёзилган корпоратив облигациялар.

**11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.**

**11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):**

Ушбу чиқарилишидаги акциялар эмитент акциядорларга қонунчиликда ўрнатилган тартибда оддий акция эгаларига акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини тақдим этган ҳолда қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари ташкиллаштирилмаган (уюлмаган) бозорида ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Ушбу акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кун ҳолатига шакллантирилган жамият акциядорлари реестрига кирган оддий акциялар эгалари мазкур чиқарилишдаги оддий акциялардан ўзларига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин жойлаштирилмаган оддий акциялар битим рўйхатга олинган кунда 140 000 000 евродан ошмаган сумма эквивалентида, имтиёзли акцияларни сотиб олишга йўналтирилган маблағ ўртасидаги фарқдан кўп бўлмаган миқдорида Жамғармага жойлаштирилади.

Бунда, Жамғарма, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорига асосан Жамғарма инвестиция сифатида белгиланган миқдор ва ушбу эмиссиянинг имтиёзли акцияларини сотиб олиш учун йўналтирилган маблағ ўртасидаги фарқдан кўп бўлмаган миқдорида оддий акцияларни сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Оддий акциялар эгалари ва Жамғармага жойлаштирилмаган барча оддий акциялар юқори обрўга эга бўлган маҳаллий институционал инвестор - "ABU DHABI UZBEK INVESTMENT" Масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасига икки томонлама шартнома тузиш йўли билан "TAT-REESTR" Масъулияти чекланган жамияти инвестиция воситачисида жойлаштирилади.

**11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:**

Чиқарилаётган акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун муддатда жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар ва акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг мавжудлиги тўғрисидаги билдиришнома қонун ҳужжатларида ўрнатилган



тартиб ва муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан 11 (ўн биринчи) кун.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – Мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган сана, бироқ давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб 30 (ўттиз) кундан ошмаслиги лозим.

### **11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:**

Мазкур чиқарилишдаги акциялар қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари ташкиллаштирилмаган (уюлмаган) бозорида акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланган акциядорлар ва/ёки инвесторлар билан бевосита фуқаровий-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади, бунда битимлар қонунда белгиланган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси томонидан рўйхатга олинади. Акцияларни жойлаштириш жамият томонидан мустақил равишда қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмаган.

### **11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:**

Акцияларни сақлаш ҳамда акциялар бўйича реестрни шакллантириш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Тўлиқ фирма номи – Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси. Жойлашган жойи ва почта манзили: 100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107 уй, 3 қават, телефон: +99871-267-37-42, факс: +99871-267-37-42. Электрон манзили: [info@deponet.uz](mailto:info@deponet.uz), расмий веб-сайти [www.deponet.uz](http://www.deponet.uz).

Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва битимларни рўйхатга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси тўғрисида маълумот.

Тўлиқ фирма номи: “ТАТ-REESTR” Масъулияти чекланган жамияти.

Қискартирилган фирма номи: “ТАТ-REESTR” МЧЖ.

Жойлашган жойи: 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, А. Темур кўчаси, 1 уй. Тел: +99871-232-01-45. Электрон манзили: [tat-reestr@mail.ru](mailto:tat-reestr@mail.ru), расмий веб-сайти: [www.tat-reestr.uz](http://www.tat-reestr.uz).

### **11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:**

Жамият оддий акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг рўйхати ушбу акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кун ҳолатига шакллантирилган жамият акциядорлари реестри асосида тузилади, ушбу рўйхатга кирган акциядорлар мазкур чиқарилишдаги оддий акциялардан ўзларига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Жамият акцияларининг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуқига эга бўлган акциядорларига мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар тури ва сонига мутаносиб равишда тенг шартларда сотиб олишни таклиф этади.

Жамият акцидорларида имтиёзли ҳуқуқ мавжудлиги тўғрисидаги билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор сотиб олишга бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдириш эълон қилдинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни сотиб олиш тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жой (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шақлдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида жамиятга тақдим этилиши керак.

Жамият имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар акцияларни сотиб олиш бўйича имтиёзли ҳуқуққа эга бўлмаган шахсларга жойлаштиришга ҳақли эмас.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда сотиб оладиган оддий акция эгалари ўзларида мавжуд оддий акциялар сонини 0,39 коэффицентига кўпайтириб, ўзларида мавжуд оддий акциялар сонига тенг қўшимча оддий акцияларни сотиб олиш ҳуқуқига эга. Бунда математик усуллар билан бутун сон қийматига яхлитланади.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин жойлаштирилмаган оддий акциялар битим рўйхатга олинган кунда 140 000 000 евродан ошмаган сумма эквивалентида, имтиёзли акцияларни сотиб олишга йўналтирилган маблағ ўртасидаги фарқдан кўп бўлмаган миқдорида Жамғармага жойлаштирилади.

Бунда, Жамғарма, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорига асосан Жамғарма инвестиция сифатида белгиланган миқдор ва ушбу эмиссиянинг имтиёзли акцияларини сотиб олиш учун йўналтирилган маблағ ўртасидаги фарқдан кўп бўлмаган миқдорида оддий акцияларни сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Оддий акциялар эгалари ва Жамғармага жойлаштирилмаган барча оддий акциялар юқори обрўга эга бўлган маҳаллий институционал инвестор - “ABU DHABI UZBEK INVESTMENT” Масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасига икки томонлама шартнома тузиш йўли билан “TAT-REESTR” Масъулияти чекланган жамияти инвестиция воситачисида жойлаштирилади.

#### **11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:**

Ушбу чиқарилишдаги акциялар сотиб олиш ҳуқуқига эга акциядорларга, Жамғармага ва “ABU DHABI UZBEK INVESTMENT” Масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасига эмитент акцияларининг 2023 йил 3 март куни ҳолатига “Тошкент” Республика фонд биржасида рўйхатдан ўтган битимлари нархларида, яъни оддий акциялар 8959 сўмдан ҳамда имтиёзли акциялар 2820 сўмдан жойлаштирилади.

#### **11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:**

Мазкур чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади. Тўловлар жисмоний шахслар томонидан нақд пул ва нақдсиз (пластик карталар), юридик шахслар томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.



Акциялар учун тўловлар жамиятнинг 20210000800468183001 ҳисоб рақамига қабул қилинади.

Банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи: “Ipoteka-bank” АТИБ,  
Банк коди: 00489, Банк СТИР: 200462647.

Банк маъзили: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Саломатлик кўчаси 1-уй.

Инвесторлар сотиб олинган акциялар учун пул маблағларини эмитент билан тузилган олди-сотди шартномасида кўрсатилган муддатда, лекин акциялар давлат рўйхатиغا олинган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмасдан тўлиқ тўлашлари лозим.

**11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:**

Мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг 60 фоиздан кам қисми жойлаштирилса, ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинади. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда, жамият бу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумотни (Кимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган деб топиш 28 – сонли муҳим факт) жамиятнинг расмий веб-сайтида ([www.uzbeksteel.uz](http://www.uzbeksteel.uz)), “Тошкент” РФБнинг расмий веб-сайтида ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)) ва корпоратив ахборотларнинг ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) ўрнатилган тартибда эълон қилади. Акциялар учун тўланган пул маблағлари акцияларнинг ушбу чиқарилуви ваколатли давлат органи томонидан амалга ошмаган деб тан олинган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида жамият томонидан қайтариб берилади.

**12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (кўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:**

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот (25-сонли муҳим факт) ва қонунчилик билан белгиланган бошқа маълумотлар, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган муддатда жамиятнинг расмий веб-сайтида ([www.uzbeksteel.uz](http://www.uzbeksteel.uz)), “Тошкент” РФБнинг расмий веб-сайтида ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)) ва корпоратив ахборотларнинг ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) эълон қилинади.

**13. Бошқа маълумотлар:** Кўзда тутилмаган.

Прошито, пронумеровано и скреплено  
печатью 8 ( ВОСЕМ ) листов  
Должность Председатель правления  
Подпись [Signature]

